



" 2 " август 2013 й. № 12

**“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар
заҳираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низомга
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4453-сон Фармонининг 3-банди ижросини таъминлаш, шунингдек чакана савдо товар айланмаси ва товар заҳираларининг статистик ҳисобини юритиш услубиятини такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 26 октябрдаги 7-сон қарори билан тасдиқланган “Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар заҳираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор 2013 йилнинг 5 августидан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б .Тураев

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2013 йил 2 август 12-сон қарорига
ИЛОВА

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 15-банд қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) микрофирмаларнинг ҳар чораклик танланма кузатуви.”.

2. 18-банддаги “...қиймат ва натура кўринишида ҳар чоракда” сўзлари чиқариб ташлансин.

3. 19-банднинг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) ҳар чоракда - кичик корхоналар, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси қиймат кўринишида ва микрофирмаларнинг ҳар чораклик танланма кузатуви;”.

4. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Ҳар ойда кичик корхоналарнинг чакана товар айланмаси ҳажми чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бўйича алоҳида-алоҳида товар айланмасини баҳолаш йўли билан қуйидаги усулларда аниқланади:

а) ўтган йилнинг тегишли дискрет чорагининг товар айланмаси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги формула бўйича ойлик товар айланмаси ҳажми аниқланади:

$$\text{Тром} = \text{Трб} / 3 * I / 100,$$

бунда Тром - кичик корхоналарнинг бир ойлик товар айланмаси ҳажми;

Трб - кичик корхоналарнинг ўтган йилнинг тегишли дискрет чорагидаги товар айланмаси;

I - ҳисобот ойининг ўтган йилнинг тегишли ойига нисбатан чакана нарх индекси.

Ҳисоблаш намунаси 2-иловада кўрсатилган.

б) микрофирмаларнинг ҳисобот давридаги танланма кузатувларига асосан, сўровномага киритилган ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан иқтисодий вазиятнинг “яхшиланиш” ёки “ёмонлашуви” баҳо кўрсаткичлари асосида ҳисобланадиган, тузатиш коэффициентини қўллаган ҳолда уларнинг жами сонига ёйилган маълумотлари асосида шакллантирилади.

Микрофирмаларнинг чакана товар айланмаси ҳажми ҳар чоракнинг биринчи ойида 20-банднинг “а” кичик бандида келтирилган услубда аниқланади. Бунда, ўтган

йилнинг тегишли дискрет чораги учун микрофирмаларнинг товар айланмасининг амалдаги ҳажми, микрофирмаларнинг танланма кузатуви маълумотлари асосида, уларнинг жами тўпламига ёйилган, тузатиш коэффицентини қўллаган ҳолда шакллантирилади.

Ҳисоблаш намунаси 3-иловада кўрсатилган.

в) кичик корхоналар чакана савдо товар айланмасининг ўтган 3 йилнинг тегишли даврлари учун ҳисобланган чораклик ўзгариш индексларидан фойдаланиш йўли билан, яъни ҳисобот чоракларининг чакана товар айланмасини баҳолаш ўртача квадратик фарқланиш формуласидан фойдаланиб амалга оширилади:

$$Ироі-йил = \sqrt{\frac{\sum Ибі - йил^2}{Nі - йил}},$$

бунда Ироі-йил - чораклик товар айланмасини баҳолаш учун солиштирма нархдаги ўртача ўзгариш индекси;

Ибі-йил - кичик корхоналар чакана савдо товар айланмасининг тегишли даврлар учун ўзгариш индекси;

$Nі=3$ йил.

Олинган Иоі-йил индекси асосида, қуйидаги формула бўйича, ҳисобот чораги учун кичик корхоналарнинг товар айланмаси яхлит баҳоланади:

$$Трок=Трб* Иоі-йил/100,$$

бунда Трок - ҳисобот чораги учун кичик корхоналар товар айланмаси.

Ҳисобот чораги учун товар айланмаси ҳажми асосида бир кунлик товар айланмаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Трод=Трок/n,$$

бунда Трод - бир кунлик товар айланмаси;

n - ҳисобот чорагидаги кунлар сони.

Сўнгра бир кунлик товар айланмасини ҳисобот ойидаги кунлар сонига кўпайтириш орқали чоракнинг ҳар бир ойи учун товар айланмаси аниқланади:

$$Тром=Трод*пi-ой,$$

бунда пi-ой - ҳисобот ойидаги кунлар сони.

Ҳисоблаш намунаси 4-иловада кўрсатилган.

г) ўтган йилнинг тегишли дискрет чорагидаги битта корхонага тўғри келадиган товар айланмаси қуйидаги формула орқали ҳисоблаш йўли билан аниқланади:

$$Тр1б= Трб /Кб,$$

бунда Тр1б - ўтган йилнинг тегишли дискрет чорагидаги битта корхонага тўғри келадиган товар айланмаси;

Трб - ҳисобот чорагида ҳисобот топширган кичик корхоналарнинг ўтган йилнинг тегишли дискрет чорагидаги товар айланмаси;

Кб - ўтган йилнинг тегишли чорагида ҳисобот топширган корхоналар сони.

Сўнгра ҳисобот чораги учун доимий нархлардаги битта корхонага тўғри келадиган товар айланмаси ҳисобланади:

$$Tr_{1o} = Tr_{1b} * I / 100,$$

бунда Tr_{1o} - ҳисобот чораги учун битта корхонага ҳисобланган доимий нархлардаги товар айланмаси;

I - ҳисобот чорагининг ўтган йилнинг тегишли чорагига нисбатан чакана нарх индекси.

Ҳисобот чорагидаги барча корхоналарнинг товар айланмаси қуйидагича аниқланади:

$$Trok = Tr_{1o} * K_o,$$

бунда K_o - ҳисобот чорагида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар сони тегишли чорак бошига Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумоти асосида аниқланади.

Ҳисобот чорагининг бир ойлик товар айланмаси “в” кичик бандида баён қилинган ҳисоблаш усули каби бир кунлик товар айланмасидан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳисоблаш намунаси 5-иловада кўрсатилган.

5. 21-банддаги “б” хат бошида” сўзлари “в” кичик бандида” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 22-банддаги “ва микрофирмалар” сўзлари чиқариб ташлансин.

7. 24-банддаги “1-Бозор шакли” сўзлари “1-bozog shakli” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 26-банддаги “б” хат бошлари” сўзлари “в” кичик бандлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. 32, 34-бандлардаги “5” ва “6” рақамларини “6” ва “7” рақамлари билан алмаштирилсин.

10. 37-бандда:

биринчи хатбошидаги “7” рақами “8” рақами билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “чорак (дискрет чорак)” сўзлари “йил” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

11. 38-банд чиқариб ташлансин.

12. 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

13. 2-иловада:

“Микрофирмалар ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

“Сатр раками” устуни чиқариб ташлансин.

14. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ 3-илова билан тўлдирилсин.

15. 3-7-иловалар тегишлича 4-8-иловалар деб ҳисоблансин.


16. 4, 5-иловалардаги “Микрофирмалар ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

17. 5-иловадаги “Сатр раками” устуни чиқариб ташлансин.

18. 8-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га 1-илова

Чакана товар айланмаси бўйича статистик маълумотларни шаклланиш чизмаси



“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га 2-илова

Кичик корхоналарнинг ўтган йилнинг тегишли чораги маълумотларидан келиб чиққан ҳолда ойлик товар айланмасини ҳисоблаш намунаси

млн.сўм

	2009 йил I-чорак	2010 йил I-чорак			
		январь	февраль	март	январь-март
А	1	2	3	4	5=2+3+4
Чакана товар айланмаси	730	282,9	288,0	285,3	856,2
шу жумладан:					
савдо корхоналарида	690	$267,3=(690/3*116,2)/100$	$272,1=(690/3*118,3)/100$	$269,3=(690/3*117,1)/100$	808,7
умумий овқатланиш корхоналарида	40	$15,6=(40/3*117,2)/100$	$15,9=(40/3*119,3)/100$	$16,0=(40/3*119,6)/100$	47,5

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га 3-илова

**Микрофирмаларнинг чораклик товар айланмаси ҳажмини турлари бўйича ҳисоблаш намунаси
2014 йил январ-март**

млн. сум

	2013 йил учун микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси, фоизда	Йиллик статистик ҳисоботида маҳсулот сотишдан тушган тушумга эга бўлган микрофирмаларнинг маълумоти (1-МФК ш.)			Кузатув йилида янги ташкил этилган микрофирмаларнинг чакана товар айланмаси, (2-МФК ш. уларнинг жами)	2014 йил январ-март учун микрофирмаларнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажми
		шу микрофирмаларнинг жами чакана товар айланмаси	Тузатиш коэффициенти, марта	Аниқлаштирилган товар айланмаси ҳажми (тузатиш коэффициенти ҳисобга олган ҳолда)		
А	1	2	3	4	5	6
	(барча микрофирмаларнинг йиллик ҳисобот маълумоти асосида)			2 устун х 3 устун		4 устун + 5 устун
Чакана савдо товар айланмаси	100	653032.9	1.20	783375.0	18002.1	801377.1
шу жумладан:	х	х	х	х	х	х
а) савдо корхоналарида	92.8	621350.0	1.17	726979.5	17061.9	744041.4
б) овқатланиш корхоналари товар айланмаси	7.2	31682.9	1.78	56395.5	940.2	57335.7

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га 4-илова

Кичик корхоналарнинг ўтган йилнинг тегишли чорак маълумотларидан келиб чиққан ҳолда ойлик товар айланмасини ҳисоблаш намунаси

Кичик корхоналар маълумоти		
Йиллар	Товар айланмаси, млн.сўм	Солиштирма нархларда I чоракнинг ўтган даврга нисбатан ўсиш суръати, %
2007	381,9	141,1
2008	533,4	125,3
2009	749,1	125,8
2010	$749,1 * 130,9 / 100 = 980,6$	$130,9 = \sqrt{\frac{141,1^2 + 125,3^2 + 125,8^2}{3}}$

Чакана савдонинг ҳар ойлик товар айланмаси ҳажми қуйидаги схема орқали аниқланади:

	Кунлар сони	Товар айланмаси, млн.сўм
I чорак 2010 г.	90	980,6
Январ	30	326,8
Феврал	29	316,0
Март	31	337,8

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га 5-илова

Кичик корхоналарнинг ўтган йилнинг тегишли чорак маълумотларидан келиб чиққан ҳолда товар айланмасини ҳисоблаш намунаси

млн.сўм

	2009 йил 1-чорак			2010 йил 1-чорак		
	товар айланмаси	ҳисобот топширган корхоналар сони	битта корхонага тўғри келадиган товар айланмаси	битта корхонага тўғри келадиган доимий нархлардаги товар айланмаси	ҳисобот топширган корхоналар сони	товар айланмаси
Чакана товар айланмаси	730	275	x	x	311	974,2
шу жумладан:						
савдо корхоналарида	690	215	$690/215=3,2$	$3,2*117,2=3,75$	245	918,8
умумий овқатланиш корхоналарида	40	60	$40/60=0,7$	$0,7*119,8=0,84$	66	55,4

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га 6-илова

**Юридик мақомга эга бўлмаган, савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар сонини ҳисоблаш
(танланма кузатув маълумотлари бўйича)**

20__ йил _____ ойи

(киши)

	Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар сони, Чфз	Кузатилган жисмоний шахслар сони			рухсат ҳужжатларига эга бўлганларни умумий кузатилганлар сонидagi солиштирма огирлиги, фоизларда, Урд	Ҳисобланган жисмоний шахслар сони	
		Жами	рухсат ҳужжатларига эга бўлганлар	рухсат ҳужжатларига эга бўлмаганлар		Жами, Чф	шу жумладан, рухсат ҳужжатларига эга бўлмаганлар, Чфн=Чфз* (100-Урд)/Урд
Туманлар бўйича ҳисоблаш намунаси					545/608*100	2023/89,6*100	2023*(100-89,6)/89,6
	2023	608	545	63	89,6	2258	235

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар сони кўрсаткичи ҳудуд бўйича ҳар бир туман бўйича йигинди асосида шаклланади.

Жадвал ҳар бир туман бўйича тўлдирилади, сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича якуний маълумотлар шаклланади.

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га 7-илова

Юридик мақомга эга бўлмаган жисмоний шахсларнинг чакана савдо айланмасини ҳисоблаш

20__ йил _____ ойн

	Кузатув материаллари и бўйича ўртача ойлик чакана савдо айланмаси, минг сўм	шу жумладан:		Кузатув материаллари бўйича битта жисмоний шахсга тўғри келадиган ўртача ойлик чакана савдо айланмаси, минг сўм	шу жумладан:		Кузатув материаллари бўйича жисмоний шахсларнинг ойлик чакана савдо айланмаси, минг сўм $PT\phi = PT\phi_3 + PT\phi_n$	шу жумладан:	
		рухсат ҳужжатларига эга бўлганлар	рухсат ҳужжатларига эга бўлмаганлар		рухсат ҳужжатларига эга бўлганлар, Тфз	рухсат ҳужжатларига эга бўлмаганлар, Тфн		рухсат ҳужжатларига эга бўлганлар, $PT\phi_3 = T\phi_3 * Ч\phi_3$	рухсат ҳужжатларига эга бўлмаганлар, $PT\phi_n = T\phi_n * Ч\phi_n$
Туманлар бўйича ҳисоблаш намунаси				910096,5/608	877114,2/545	32982,3/63			
	910096,5	877114,2	32982,3	1496,869	1609,384	523,528	3379930,8	3255783,54	123029,2

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг чакана товар айланмаси ҳудуд бўйича туманлар маълумотларини йиғиндисидан шаклланади.

Жадвал ҳар бир туман бўйича тўлдирилади, сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича якуний маълумотлар шаклланади.

“Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо
товар айланмаси ва товар захираларини статистик
ҳисоби бўйича услубий низом”га 8-илова

Товарлар ва товар гуруҳлари рўйхати

Курсаткичлар номи
А
Гўшт ва парранда
Дудланган ва колбаса маҳсулотлари
Балиқ ва денгиз озиқ овқат маҳсулотлари
Сариёт
Ўсимлик ёғи
Қиздирилган озиқ-овқат ёғи ва бошқа озиқ-овқат мол ёғлари
Маргарин маҳсулоти
Майонез маҳсулоти
Сут ва сут маҳсулоти
шу жумладан болалар овқатлари
Қуруқ сут
Пишлоқ
Гўштли консервалар
Балиқ консервалари
Сабзавот консервалари
Мевали консервалар
Тухум
Қанд ва шакар
Қандолат маҳсулотлари
Мураббо, қиём, шинни, асал
Чой
Туз
Ун
Нон ва нон маҳсулотлари
Ерма
шу жумладан гуруч
Дуккаклилар (нўхат, ловия ва бошқалар)
Макарон маҳсулотлари
Картошка
Сабзавотлар
Мевалар, резаворлар, узум, полиз маҳсулотлари
Ароқ ва ликер ароқ маҳсулотлари
Вино
Коньяк
Шампан виноси
Пиво
Спиртсиз ичимликлар
Музқаймоқ
Бошқа овқатланиш корхоналаридан олинган яримфабрикатлар
Саноат ва бошқа корхоналардан олинган яримфабрикатлар
Пахта толали ип газламалар
Жун газламалар
Ипак газламалар
Каноп газламалар
Кийим ва чойшаблар

Курсаткичлар номи
А
Асбоблар
Қоғоз товарлар
Ўқув дафтарлари
Ўқув-ёзув жиҳозлари ва канцелярия товарлари
Ҳисоблаш техникаси
Компьютерлар
Босма нашрлар
Велосипедлар ва мопедлар
Мотоцикллар ва мотороллерлар
Жисмоний тарбия, спорт ва туризм товарлари (спорт кийимлари ва пойабзалларидан ташқари)
Мусиқа асбоблари
Ўйинчоқлар
Бошқа маданий моллар
Фотоаппаратлар
Қишлоқ хўжалиги ва боғ-томорқа асбоблари
Хўжалик товарлари
Аудио-видеоленталар, рақамли видеодисклар (DVD), компакт дисклар (CD)
Қурилиш материаллари
шу жумладан лак бўёқ
цемент
гишт
Заргарлик буюмлари
Енгил автомобиллар
шу жумладан мамлакатда ишлаб чиқарилганлари
Юк тапшип автомобиллари
Автобуслар
Маиший кимё товарлари
Электр товарлари
шу жумладан:
маиший кир ювиш машиналари
электр чанг юттичлар
электр дазмоллари
кондиционерлар
электрмиксерлар
совутгичлар ва музлаткичлар
бошқа электр товарлари
Уяли телефонлар
Телевизорлар
Видеомагнитофонлар
Магнитофонлар
Радио қабул қилиш мосламалари
Дорилар ва бошқа тиббиётга оид товарлар
Бензин
Дизель ёқилғи

Кўрсаткичлар номи
А
Мўйна ва мўйнали маҳсулотлар
Бош кийим (мўйнали ва трикотаж буюмлардан ташқари)
Устки трикотаж, бошқа устки трикотаж маҳсулотлари
Ич кийимбоп трикотаж
Пайпоқ буюмлари
Чарм, туқимачилик ва комбинация қилинган пойафзал
Резинали ва полимерли пойафзал
Хужалик совуни
Синтетик ювиш воситалари
Атир совун
Парфюмерия косметика товарлари
Атторлик моллари
Ишлар
Тамаки маҳсулотлари
Гугурт
Мебель
Гидам ва гидам буюмлар
Металл идишлар ва уй рўзгор буюмлари
Шипа идишлар
Чинни фаянс ва кулолчилик идишлар
Биллур буюмлар
Соатлар

Кўрсаткичлар номи
А
Ёқилги мойлаш материаллари
Суюлтирилган газ
Сикилган газ
Бошқа нефть маҳсулотлари
Кумир
Тикув машиналари